

ЎСМИРЛАРДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

¹Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна, пс.ф.ф.д.(PhD)

²Жасурова Назира Ҳасан қизи, 1-босқич магистри

shahnozashakarboyeva@gmail.com

Аннотация: Мақолада ўсмирларда хорижий тилларни ўрганишда гапириш ва эшитиш қобилиятларинг ижтиумоий психологик масалалари ёртийилган бўлиб, унда ҳозирги кунга келиб ҳар бир инсон учун хорижий бтилларни билиш ҳамда равон сўзлаша олиш жамиятда ўз соҳасини мукаммал эгаллашга асос бўлади.

Калит сўзлар: хорижий тил, методика, дидактика, қобилят, замонавий методлар, индивидуал ва грух бўлиб ўрганиш, талаффуз, популятысион даражаси, ижтимоий психологик таъсир.

Инсоният яралибдики, тил орқали ўзаро мулоқотга киришади. У халқларни бир-бирига боғловчи бетакрор феномен бўлса, иккинчи тарафдан турли миллатларни бир-биридан ажратувчи, ўзига хос ноёб ҳодисадир. Қолаверса, бугунги кунга келиб жаҳоннинг энг илгор иш услубларини ўзлаштириш учун ҳам тил асосий восита ҳисобланади. Зоро, тарихдан маълумки, қайси халқ вакиллари қанча кўп тил билса, шунча тез ва мукаммал тараққиёт йўлига чиқа олган. Тил — инсон ҳаётини маъно ва мазмунга буркайдиган, уларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан бир-бирига боғлаб турадиган кудратли кучdir. У туфайли тараққиёт, янгиланиш ва муносабат бор. Тил — муомала, сўзлашув ва алоқа воситаси бўлибгина қолмай, миллат қиёфасини белгиловчи бебаҳо неъматдир. Шундай экан, халқни халқ, миллатни миллат даражасига кўтарадиган восита унинг она тили ҳисобланади.

Ўзбек халқи, унинг зиёлилари кўп замонлардан бери ўз она тили билан бир қаторда бошқа тилларни ҳам ўрганишга алоҳида аҳамият қаратиб келган. Жумладан, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Фурқат, Муқимий ва Завқий каби алломаларимиз икки тилда ижод қилишган. Ижтимоий ҳаётда кўп тил билиш миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қарор топтиришга хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сон ПФ га кўра 5та устувор йўналишнинг **4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш**: “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш;”¹ бандини киритиш орқали Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 3 июндаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 190-сонли буйруғлари қабул қилинди. Бу жараён таълим ва фан соҳасини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон

такомиллаштириш, таълим жараёнини самародорлигини оширишга қаратилди. Жумладан, болаликдан катталикка ўтиш ёшидаги ўқувчиларда ўқув мотивларини ошириш, келгуси режаларни шакллантиришга шароит яратиш жараёнларини, яъни o'smir shaxsining takomillashuv'i va shakllanishiga turki bo'lgan omillardan biri o'quv faoliyati motivlaridagi sifat o'zgarishiga o'tkazishdir. Kichik mакtab yoshidagi boladan farqli, o'smir энди faqat bilimlar tizimiga ega bo'lishi, балки қўшимча чет тилини мукаммал элаллашга, чет тилида равон мулоқатга киришишга ҳаракат қиласидилар.

Ўсмирик даврида нутқнинг ривожланиши бир томондан сўз бойлигининг ошиши ҳисобига бўлса, иккинчи томондан, табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг мазмун моҳиятини англашлари ҳисобига бўлади. Бу даврда ўсмир тил ёрдамида атроф-борлиқни акс еттириши билан бир қаторда инсон дунёқарашини ҳам белгилаб бериш мумкинлигини ҳис қила бошлайди. Айнан ўсмирик давридан бошлаб, инсон нутқ билиш жараёнларининг ривожланишини белгилаб беришини тушуна бошлайди. Ўсмирни кўпинча муомалада сўзларни ишлатиш қоидалари - "Қандай қилиб тўғри ёзиш керак?", "Қандай қилиб яхшроқ айтиш мумкин?", "Нима дейиш керак?" каби саволлар жуда қизиқтиради. Ўсмирлар мактабдаги ўқитувчилар, катталар, ота-оналар нутқидаги камчиликларга, китоб, газета, радио ва телевидение дикторлари хатоларига тез еътибор берадилар. Бу ҳолат ўсмирнинг бир томондан ўз нутқини назорат етишга ўргаца, иккинчи томондан, катталар ҳам нутқ қоидаларини бузишлари мумкинлигини билишларига ва ўзида мавжуд хатоликларни бирмунча барҳам топтиришларига олиб келади. Ўсмир сўзларнинг келиб чиқиш тарихига, уларнинг аниқ мазмуни ва моҳиятига жуда қизиқади. У енди ўз нутқида ёш бола сингари емас, балки катта одамлардек сўзларни танлаб ишлатишга ҳаракат қиласиди. Нутқ маданиятини егаллаш борасида ўсмир учун ўқитувчи, албатта, намуна бўлиши шартдир.

Айнан мактаб таълими ўсмир билиш жараёнларини ривожланиш йўналишини сифат жиҳатидан ўзгаришда асосий омил бўлиб хизмат қиласиди. Билиш жараёнларининг ривожланишида нутқ, оғзаки, ҳам ёзма мавжуд бўлиши билан қучли восита ҳисобланади. Мактабдаги ўқув жараёнларининг тўғри ташкил етилиши ва амалга оширилиши билан ўсмир нутқининг тўғри ривожланишига шароит яратилади.

Нутқни ўзлаштиришга ҳаракат бу ўсмирнинг муомала, билиш ва ижодий фаолиятга кирилишига еҳтиёж ва интилиш ҳисобланади. Ўсмирнинг шахс сифатида тараққий етишида икки ҳолат кузатилади: бир томондан бошқалар тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ меъёрларига бўйсуниш, иккинчи томондан мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўртасида қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар еса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин, шундай бўлса ҳам ўзини нима қилиб бўлса-да, тенгқурлар

жамияти томонидан тан олинишига еришишга интилади ва улар билан мулокот ҳәётининг маъносига айланиб қолади.

Чет тил ўқитиши методикасида ёндашувнинг ягона классификацияси мавжуд эмас. Масалан, М.В.Ляховицкий (1981) ёндашувларни психолингвистик нуқтаи назаридан қўйидагича классификациялайди:

Бихевиористик – тил ташқи қўзғатувчи стимулларга жавобан нутқий автоматизмларни шакллантириш усули орқали ўрганилади; Индуктив-онгли – тил нутқ намуналарини таҳлилий кузатиш натижасида тил қонуниятлари ва уларни нутқда қўллаш усулларини эгаллаш орқали ўрганилади;

Онгли (когнитив) – тил эгалланган билимлар асосида нутқий малака ва қўнималарини шакллантириш изчиллигида ўрганилади;

Интегратив–тил ўқитиши жараёнида онгли ва ғайришуурый компонентларни ташкилий мувофиқлаштиради, яъни чет тил билим, малака ва қўнималарни параллел эгаллаш орқали ўрганилади. М.Н.Вятютнев эса тил ўрганишнинг лингвистик омилларини инобатга олган ҳолда замонавий методларни таснифлаш учун ёндашувларни 6 та турга:

- грамматик;
- тўғри;
- бихевиористик;
- ўкув;
- коллектив;
- коммуникатив;

–индивидуаллашган турларга ажратади. Ж.С.Ричардс, Т.С.Роджердс, Д.Браун, Д.Л.Фримэнлар методларни тадқиқ этишда тил ҳақидаги (структурал, функционал ва интерактив) ва тил ўрганиш ҳақидаги назарияларга, яъни:

а) тил ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган психологик ва когнитив жараёнлар;

б) тил ўрганиш жараёнини фаоллаштирадиган вазиятларга ва оптималлаштирадиган омилларга мурожаат этишади.

А.Н.Щукин ёндашувларни тилга нисбатан ўқитиши обьекти ва ўқитиши воситаси сифатида қарайдиган гуруҳларга ажратади². Тилга ўрганиш обьекти нуқтаи назаридан қарайдиган:

- а) тилни ўрганишга;
- б) нутқни ўрганишга;
- в) нутқ фаолияти турларидан билим, малака ва қўнималарни ривожлантиришга йўналтирилган ёндашувлар фарқланади.

Тилга ўрганиш воситаси нуқтаи назаридан қарайдиган:

- а) тўғри (intuitive);
- б) онгли (cognitive);

²Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. –

в) шахсга йўналтирилган ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувларни фарқлаш мумкин. Адабиётларда аудилингуал метод ва аудилингуал ёндашув ёки коммуникатив метод ва коммуникатив ёндашув атамалари кўп учрайди. Методлар маълум тамойилларга асосланади. Тамойиллар чет тил ўргатиш ва ўрганиш ҳақидаги маълум назарияга асосланади.

Америкалик ва британиялик мутахассислар чет тилни коммуникатив ўқитиш метод эмас, балки ёндашув сифатида эътироф этган ҳолда коммуникатив компетенция тил ўқитиш мақсади бўлиши лозимлигини, тил ва коммуникация ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун барча нутқ фаолият турларидан билим, малака ва кўникмаларни интегратив ривожлантириш зарурлигини тарғиб эта бошладилар. 1960 йилларга келиб чет тил ўқитишга аудиолингвал ва ситуатив ёндашувларнинг ўз даврини ўтаб бўлганлиги, улар асосида ишлаб чиқилган лингвистик назариялар давр талабига жавоб бермаслиги, структурани тарғиб этувчи ушбу назарияларда индивидуал гапларнинг коммуникатив ва функционал хусусиятлари ноадекват талқин этилганлиги, структура (нутқ намуналари)ни ёд олинишидан кўра чет тил ўқитишда коммуникатив малакаларни ривожлантирилишга устувор аҳамият қаратиш лозимлиги ҳақида Н.Хомский, К.Кендлин, Х.Виндовсон, Т.Пика, Р.Оксфорд каби муаллифларнинг мақолалар ва тезислари чоп этилди. Шу аснода «Learning to use English and using English to learn it», яъни инглиз тилидан фойдаланишни ўрганиш ва ўрганиш учун ундан фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепция, биринчидан, машғулотларда намунавий, стандарт фразалар, асосий лексик бирликлар ва лингвистик функциялардан кенг фойдаланишни талаб этади. Бундай интеграция ёд олинган тайёр ва ярим тайёр стандарт қолип жумлалардан турли нутқ вазиятларида фойдаланиш ҳисобига содир бўлади³. Ушбу концепция ишлаб чиқилмасидан аввал ўқув жараёнида нимани ўргатиш масаласининг моҳиятига оид мутахассисларнинг турли, кўпинча бир-бирига қарама-қарши фикрлари изоҳланиб келинаётган эди. Бу борада икки муаммо мавжуд бўлиб: биринчиси – нима ўргатилади, саволига жавоб беришда аксарият олимлар таълим мазмуни ўргатилади, деб аслида тўғри, лекин умумий жавобни қайтарадилар⁴. 1971-1972 йилларда чет тил ўрганиш бўйича ўқув курсларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди. Д.А.Вилкинс бошлигидаги гурух аъзолари европаликларнинг чет тил ўрганишга эҳтиёжларини таҳлил этишиб, коммуникатив ўқув режасини ишлаб чиқишиди. Кейинчалик Вилкинс олиб борилган тадқиқот материалларини умумлаштириб, маҳсус тўплам нашр эттириди ва ушбу китоб чет тил ўқитишга коммуникатив ёндашувни жорий этиш орқали ўрганувчиларнинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларини ривожлантириш назариясининг оммалашувига

³ Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 18.

⁴ Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С.124-125. 86

сезиларли таъсир кўрсатди⁵. В.А.Сухомлинский таъбири билан айтганда, ўзининг ўқитувчи эканлигини унута олган ўқитувчи энг яхши ўқитувчидир⁶. Ушбу сўзлар замирида яширинган маъно чет тил дарсларида ўз ифодасини топади. Бунинг учун шунчаки насиҳатомуз оҳангдан воз кечиш, ўқувчилар ва уларнинг сўзларига чинакамига қизиқиши билдириш, ўзини бир погона тепада эканлигини ёддан чиқариш, ўқувчи билан ёнма-ён туриш керак бўлади. Шундагина ўқувчининг қизиқиши ортади, унда сухбатлашиш истаги пайдо бўлади, натижада, машғулотларда коммуникация ва интеракция содир бўлади.

Тил ривожланиш онтогенези ва филогенези соҳасида олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, бола ўз она тилдан бирор нарсани қўлга киритиши (инструментал функция), хатти-ҳаракатни бошқариш (регулятив функция), атрофдагилар билан ҳамкорликда фаолият юритиши (интерактив функция), шахсий ҳис-туйғулар ва маъноларни ифодалаш (персонал функция), ўрганиш ва кашф қилиш (эвристик функция), ўз тасаввурдаги оламни яратиши (тасаввур функция), ахборот алмашиш (коммуникатив функция) мақсадларида фойдаланади. Ўсмирлик даври таълимида хорижий тилларни ўқитишига коммуникатив ёндашувда ўқувчиларга ўрганилаётган чет тилдан айнан шу мақсадларда фойдаланишини ўргатиш лозимлиги тавсия этилади⁷. Шунингдек, чет тил ўрганишда стресс (рухий зўриқишидан холи вазиятларнинг аҳамияти муҳимдир. Стресс қанча паст бўлса, ўрганиш самарадорлиги шунча юқори бўлади. Коммуникатив компетенциянинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенция каби барча компонентларнинг teng эгалланишига эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли мақсадлар тилнинг ташкилий (грамматик, дискурс) аспектлари билан прагматик (функционал, социолингвистик, стратегик) аспектларини ўзаро боғлаган ҳолда ифодалashi зарур⁸.

Грамматик ва дискурс тил шакллари эътибор марказида бўлмаса-да, ўрганувчиларни белгиланган мақсадни амалга оширишга лаёқатли қиласидан муҳим компонентлигича қолаверади. Ўрганувчиларнинг ўзларига хос шахсий ўрганиш усулларидан келиб чиқадиган кучли ва кучсиз жиҳатлари инобатга олинади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун коммуникатив ёндашувни таълим ўзбек тилида олиб бориладиган бошланғич синфларда инглиз тили ўқитиши жараёнига мослаштиришда қуидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

⁵ Pütz M., Sicola L. Cognitive Processing in Second Language Acquisition. – Amsterdam.: John Benjamins Publishing Co., 2010. – Р. 154.

⁶ Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С. 32.

⁷ Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – Р. 160. 100

⁸ Crandall J.J. Cooperative language learning and affective factors. – Cambridge, UK: Cambridge University Press. 1999. – Р. 226-245. 101

- тил ўргатишининг асосий мақсади ўқувчининг ўрганилаётган тилдан фойдаланиб энг содда усулда коммуникация қилиш лаёқатини шакллантиришидир;

- интеракция ва коммуникациянинг содир бўлишини таъминлаш учун ўқувчилар гурӯҳ ёки жуфт бўлиб ишлашлари лозим;

- чет тил ўқитишида нутқ вазиятини қўллаш тамоилига мувофиқ турли ижтимоий вазиятларда ўрганилаётган тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишни ўргатиш мақсадида машғулотларда харакатли, сюжетли, ролли, драматик, имитацион (тақлид), мулоқотга йўналтирилган, проектли ва дидактик ўйинларни ташкил этиш зарур;

- тилга оид компетенциялар тинглаб тушуниш ва гапириш компетенциясининг эгаланишига хизмат қилиши лозим;

- ўрганиш креатив шакллантириш жараёнидир ва у хатолардан хулоса чиқаришдан иборат.

Қуйида шахсга йўналтирилган компетенциявий ёндашув парадигмаси асосидаги коммуникатив ёндашувга мувофиқ бошланғич чет тил таълимидан самарадорликни таъминлаш учун тавсиялар ишлаб чиқилди:

диалогларга ёд олиниши зарур бўлган тил материали сифатида эмас, балки коммуникатив мақсадларда мурожаат этиш; мазмунга устувор аҳамият бериш;

тил материалини реал нутқ вазиятларидаги контекстларда тақдим этиш; тилни коммуникация ва интеракция орқали ўрганиш;

такрорлаш (driling) машқларига вақт ажратиш; ўрганувчиларнинг ёши, қизиқишилари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳар қандай техник воситалардан фойдаланиш;

дастлабки машғулотлардан коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиш; мақбул вазиятларда она тилидан ва агар ўқувчига фойдали деб ҳисобланса, таржимадан фойдаланишни тақиқламаслик;

ўрганилаётган чет тил лингвистик системасини коммуникация қилишга интилиш натижасида ўзлаштириш;

изчиллик ва узвийликни қизиқиши сўндириласлик мақсадига йўналтириш;

ҳар қандай усулда ўқувчи мотивацияси (ички турткиси)ни ошириш;

тилни индивидуал шахс томонидан тажрибада синаб кўриш ва хатолар асосида креатив нутқий ҳосилалар яратилишига изн бериш;

ўқувчиларга ўзаро ва нотаниш инсонлар билан ҳар қандай нутқ вазиятида (якка нутқ, жуфт нутқ, баҳс-мунозара) ва тарзида (масофавий, юзма-юз, оғзаки, ёзма) интеракцияга киришишни ўргатиш;

ички мотивацияни тил орқали содир бўлаётган коммуникация обьектига қизиқтириш натижасида вужудга келтириш.

Демак, Ёш даврларининг яққол операциялар босқичидаги ўқувчиларга хос бўлган мулоқотчанлик ва билганларини намойиш қилишга интилувчанлик хусусияти инобатга олинса, ўсмирлик даврида таълимда

хорижий тилларни ўқитиши жараёнига татбик қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика. – М.: Филоматис, 2006. – С. 96.
- 2.Driscoll P., Frost D. The teaching of modern foreign languages in the primary schools. – L.: & N.Y.: Routledge, 2005. – P. 18.
- 3.Pütz M., Sicola L. Cognitive Processing in Second Language Acquisition. – Amsterdam.: John Benjamins Publishing Co., 2010. – P. 154.
- 4.Пассов Е.И., Кузовлева Н.Е. Урок иностранного языка. – М.: Голоса-Пресс, 2010. – С. 32.
- 5.Richards J.C., Rodgers Th.S. Approaches and Methods in Language Teaching. – NY.: Cambridge University Press, 2009. – P. 160. 100
- 6.Crandall J.J. Cooperative language learning and affective factors. – Cambridge, UK: Cambridge University Press. 1999. – P. 226-245. 101
- 7.Каршибаева Г.А. Характеристики мотивационных потребностей подростков с суицидальным поведением //EurasianUnionScientists.2020. Т. 1. №. 10 (79). С. 48-49.
8. Karshibayeva, G Diagnosis of suicidal behavior in adolescents. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Jornal.// Vol 10 Issue03,March 2021 501-505 p.
9. Karshibayeva, G. The importance of motivation to avoid failure in achieving the success of young football players. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2)
10. Karshibayeva, G.Innovations in Applied Sciences | ISSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
11. Karshibayeva, G. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences | ISSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
12. Каршибаева Г. А., Ибайдуллаева У.Р.Оила психологияси.Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.
13. Каршибаева Г. А., Абдуасулов Р.А.Психологик маслаҳат. Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.
14. Абдурасулов, Р. А., & Каршибоева, Г. А.Психологик тренинг асослари. Ўқув қўлланма.“Баёз” нашриёти. Тошкент–2019 йил.